




Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy
(Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh
State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State
Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
"Mentor" scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал "Наставник"

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Файзиева	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг аҳамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	G.X.To`rayeva	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонова	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилианализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар	97-101
21	Н.Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З.Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С.Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С.Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С.Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А.Э.Зиётова, Э.А.Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А.Ш.Эшмуҳаматов, Ж.Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А.Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П.Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш.Ж.Хашимов, С.Х.Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А.Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ: МУАЪММО ВА ЕЧИМЛАР

Маматмусаева Маъмура - ЖДПИ талабаси

Дунёда ғоявий ҳамда информацион хуружлар, турли мафкуравий, маънавий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг энг самарали усули мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишдир. Хўш мафкуравий тарбиянинг ўзи нима? Илмий адабиётларда қайд этилишича: “Мафкуравий тарбия - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён (1). Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам ўз ғоялар таъсирига тортишга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия вситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидоий бўлса кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсад сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли онги ва қалбига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Аслида шахс тарбиясининг муҳим йўналиши - бу ғоявий тарбиядир. Бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳукукий, диний, эстетик, ахлокий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оламизми – ҳаммасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар бланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу - том маънода мафкуравий тарбиянинг

асосий пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади –жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу–истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида – халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир. Мафкуравий тарбиявийлик энг аввало юксак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Республикамиз аҳлисининг 64 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этар экан, юртимизнинг истиқболи ҳам айнан ёшлар қўлида эканлигига шубҳа йўқдир. Ёшларнинг иродали, иймон-эътиқодли, мустақил ва эркин фикрли, ҳар қандай хуружларга дадил қарши бора олишга қодир инсон бўлиб етишишларида таълим муассасаси, оила, маҳалла ҳамкорлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган мафкуравий тарбиянинг аҳамияти катта.

Бугунги ёшлар ўзларининг ким эканлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигини, аجدодлари ким бўлганини англаб етдилар. Лекин айтилган пайтда халқимизнинг маънавий бирлигига раҳна солишга, ёшларимизнинг юртимизга бўлган ишонч-эътиқодини бузишга уринаётган кучлар ҳам бор. Улар турли хил вайронкор, алдамчи ғояларни пеш қилиб, ёвуз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, айрим иродаси заиф ёшлардан ўз юртига, она Ватанига, ҳатто ота-онасига қарши бўлган душманларни тайёрлашга уринмоқдалар.

“Мустақилликка эришганимиздан сўнг, биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зулмлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод

бўлмаса, онг ва шуур тазйикидан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди”(2). Тафаккурнинг озод бўлиши янгича, мустақил дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омилidir. Янгичи дунёқараш тизимда эса, олимларимиз томонидан эътироф этилган эртанги кунга ишонч туйғусининг устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият каасб этади. Унинг аҳамияти энг аввало, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўллариини излашга ундашида, учинчидан, ҳуққидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади. Айни пайтда, бу туйғу кенг маънодаги ижтимоий тараққиёт мўлжалларининг нечоғли аниқ ва асосли белгилаб олинганининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади(3). Шундай экан, бир томондан, Ўзбекистон ўз тараққиётининг ана шундай аниқ мўлжалини белгилаб олганини ва унга – буюк келажакка эришиш учун реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий асосларга эгаллиги ва, бошқа томондан, фақат истиқлол, фақат ўз давлатчилигимиз ана шу мақсадга эришишнинг асосий кафолоти бўлиши мумкинлиги мафкуравий тарбия жараёнида марказий ўринни эгаллаши шарт. Мафкуравий тарбия бўлганда ҳам, миллий тарбия асосига қурилган мафкуравий тарбия бўлиши лозим. Шунингдек, у глобаллашувнинг ҳозирги авж олаётган шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги мазмун ва шаклда олиб бориладиган тарбия бўлиши тақазо этилади. Миллий тарбия миллат вакиллариға айниқса унинг ёшларига миллий мерос, урф-одат. анъана ва азшокдаги энг илтор хусусиятларни қадриятларни сингдириш орқали миллий онг, дунёқараш, руҳиятни шакллантириш, ўзлигини англатиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онги ва қалбига сингдириш, миллий заминлардаги бой мерос асосида маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолият йўналишидир. Ҳар қандай тарбияда бўлганидек миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзланади. Глобаллашув авж олаётган бугунги кунда миллий тарбиянинг стратегик йўналишини кенг маънодаги маънавиятимизни миллатимизга ёт бўлган турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, уни ёшларимиз онги, қалби, дунёқарашининг ажралмас қисмиға айлантириш ташкил қилади. Миллий тарбия оиладан бошланади, маҳалла ва таълим тизимида давом эттирилади. Чунки, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила – ҳақиқий

маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила муҳотида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Миллий онги ривожланган, ўзлигини англаган, дунёқараши шаклланган миллат вакили ўз миллатини улуғлайди, унинг манфаатини ҳимоя қилади, унинг олдида масъул эканлигини гушуниб етади, унинг манфаатини бошқалар манфаати билан алмаштирмайди, унга садоқат кучли бўлади. Шу миллат вакили бўлганлигидан фахрланади ва ғурурланади. Бу инсон учун энг олий неъмат ҳамда улуғ маънавий бойлик эканлигини доимо ҳис этиб яшайди. Лекин бугунги глобаллашув жараёни миллий тарбияга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Бугун турмушимиз ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига ўзга мамлакатлар халқлари ҳаётидаги кўпгина урф-одат, анъана ва қадриятлар жадал кириб келмоқда. Албатта, уларнинг биз учун мақбул бўлганларини қабул қилишимиз мумкин. Аммо уларни кўр-кўрона, ўзимизники ҳисобига қабул қилишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, миллатимизда асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онамизни улуғлаш, оила муқаддаслигини ҳимоя қилиш, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, уларнинг гапларига қулоқ солиш, қилинадиган ҳар бир катта ишларни бамаслаҳат амалга ошириш, ака-укалар, ака ва сингиллар, келин қайнота, қайноналар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик меҳр-оқибат, устоз ва шогирд ҳурмати каби муқаддас қадриятларни қайта тиклаш миллий тарбиямиз олдида турган энг долзарб вазифадир. Аммо бугун Европага хос бўлган индивидуализм, ота-она ҳолидан хабар олмаслик ҳатто улар вафот этганда охирги манзилгача кузатишга ярамаслик ака-ука, акасингиллар ўртасидаги яқинликнинг бўлмаслиги ва уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватламасликлари ва бошқа бир қатор ҳолатлар миллатимиз ҳаётига кириб бормоқда. Бундай салбий жараёнларнинг олдини олиш учун ҳам миллий тарбиямизнинг бош йўналиши глобаллашув жараёнида содир бўлаётган ана шу салбий ҳолатларни бартараф этиш тараққиётимиз талаби ҳисобланади

Бизга бу борада жаҳонда энг юксак тараққиётга эришган, аммо ўзининг миллий қадриятларини авлодданавлодга етказиб, уни мустаҳкамлаб келаётган Япония давлати тажрибаси ўрнатқ бўлиши мумкин. Улар миллий ғурури, ифтихорнинг кучлилиги ва миллат истиқболи учун курашдаги якдиллиги билан бугунги юксак тараққиётга эришди ҳамда мустаҳкам миллий маънавий иммунитет салоҳиятини шакллантирди. Улар маънавиятида ташқаридан кўрсатиладиган таъсирларни сезиш кийин. Улар

энг илғор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни яратиш билан жаҳон бозорларини эгаллашларида миллий тарбия муҳим ўринни эгаллаганликлари кўпчилик учун янгилик эмас. Бу тажрибадан самарали фойдаланиш миллий ривожланиш ғоясида ҳам ўз ифодасини топиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу муносабат билан фикримизча, глобаллашувнинг бугунги миллий ҳаётимизга ўтказаетган таъсиридан ҳимояланишимиз учун мустақил миллий маънавий иммунитетни шакллантириш зарур бўлади.

Миллий истиқлол мафкураси халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон каби ғояларга таянар экан, ана шу ғояларга қарши қаратилган хатти-харакатлар ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олади.

Чунки миллий ғоя чуқур эътиқодга айланган тақдирдагина у улкан куч ва қудратга эга бўлади. Бунинг учун эса халқда мафкурадан ўрин олган ғояларга кучли ишонч, эътиқод ва унга амал қилиш бўлиши лозим.

Хулоса сифатида шуни адоҳида таъкидлашимиз лозимки, бунда, аввало, ҳар жиҳатдан фаол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, ғоявий тарбия воситасида шахснинг салоҳиятини максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу бериш зарур. Бунинг учун инсон пассив ижрочиликдан эмас, балки фаол ташаббускорликдан кўпроқ манфаатдор эканлигига ишонтириш керак. Ёшларда меҳнатга иштиёқ уйғотиш, тиришқоқ ва серғайрат шахсни тарбиялаш, шахсни ўзи устида қунт билан ишлашга ўргатиш. Шунингдек миллий ғурури баланд, масъулият ва бурч ҳиссига эга, интизомли, демократияни ҳаёт тарзига айлантирган, келажаги ўз кўлида эканига ишонган мустақил шахсни тарбиялашга устувор аҳамият бериш зарур.

Адабиётлар:

1. Фалсафа қомусий луғат. Т., Шарқ, 2004, 250-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-жилд. –Т., Ўзбекистон, 1996, -34.
3. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., Ўзбекистон, 2004. 126 –б.